

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН
ФИЛИАЛИ**

РАХИМОВ МАНСУРБЕК МАВЛОНЖОНОВИЧ

**МЕВАЛИ БОҒЛАРДА АЙРИМ ЗАРАРКУНАНДА ВА
КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КУРАШ ТИЗИМИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ҷимликларни химоя қилиш

**КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БҲЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Рахимов Мансурбек Мавлонжонович

Меваги боғларда айрим зараркунанда ва касалликларга қарши
интеллектуал кураш тизимини яратиш 3

Рахимов Мансурбек Мавлонжонович

Создание интеллектуальной системы борьбы с некоторыми
вредителями и болезнями плодовых садов 19

Rakhimov Mansurbek Mavlanjonovich

Creating intellectual control system for some pests and diseases of fruit
gardens..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН
ФИЛИАЛИ**

РАХИМОВ МАНСУРБЕК МАВЛОНЖОНОВИЧ

**МЕВАЛИ БОҒЛАРДА АЙРИМ ЗАРАРКУНАНДА ВА
КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КУРАШ ТИЗИМИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.09 – Үсимликларни химоя қилиш

**КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.3.PhD/Qx171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyoue.net)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Топволдиев Гулқинжон биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Махмудходжаев Нажмидин Мавляноходжаевич биология фанлари доктори, профессор Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Ётақчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги
DSc 27.06.2017.Qx 13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «6» июнь соат 11⁰⁰ даги
мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кучаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-
48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети
Мамъурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (538162-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент,
Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси.
Тел: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «18» июнь куни тарқатилди.
(2019 йил «28» ноябраги 1 -рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида мевачилик кўплаб мамлакатлар кишлоқ хўжалигида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Жаҳонда ҳар йили 5 миллион гектардан ортиқ майдонда олма етиштирилади. 2017 йилда уни етиштириш ҳажми 76 миллион тоннани ташкил этган. 2017-2018 йилда ялпи олма етиштириш ҳажми 2,6 миллион тоннага камайган. Жумладан, жами олма маҳсулотининг Германияда 46%, Италияда 23%, Францияда 8% ҳосил, зарарли организмлар таъсирида нобуд бўлиши кузатилмоқда¹. Шунга кўра, етиштирилаётган ҳосилни зараркунанда ва касалликлар зараридан ҳимоя қилишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши, мева маҳсулотлари ҳажмини янада кўпайтириш ва сифатли мева маҳсулотлар билан доимий таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш, касаллик ва зараркунандалар келтирадиган зарарни камайитиришда қатор муаммолар юзага келмоқда. Етиштирилаётган мева маҳсулотларнинг ўртача 20-40% зараркунанда ва касалликлар таъсирида нобуд бўлиши бу зарарли организмларга қарши кураш тизимини такомиллаштиришни талаб этади². Шунга кўра, мевали боғ зарарли организмларига қарши курашишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, тегишли ахборотларни тез ва талаб этиладиган даражада тўплаш, бунинг учун ушбу маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ҳамда шулар асосида мақбул қарорлар қабул қилиш ва уларни фойдаланувчига етказиб бериш жараёнларини автоматлаштириш керак. Ахборотларни йиғиш, сақлаш ва уларни қайта ишлашда ахборот тизимларини ишлаб чиқиш зараркунанда ва касалликлар ривожланиши ҳамда тарқалишига таъсир этувчи маълумотларни аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 Кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўлимида «...замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғдорчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларига харидоргир экспортбop мева маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳажмини ошириш...» энг муҳим вазифа қилиб белгиланган³. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мевали боғ зараркунанда ва касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, прогнозлаш ва уларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш талаб этилади. Мамлакатимиз миқёсида ҳар йили кўшимча равишда 8-10%

¹ <http://www.agbz>.

² www.fao.org, 2016.

³ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» давлат дастури, ПФ-4947, Тошкент, 2017 йил 7 феврал.

интенсив боғлар ташкил этилиб, бунда олма боғлари катта қисми ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташки бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3978-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 сентябрдаги «Андижон вилоятида мева-сабзавотчиликни кластер усулида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги 752-сонли қарорида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мевали боғ зараркунандалари бўйича Ш.Т.Хўжаев, А.Х.Юсупов, А.У.Сағдуллаев, А.Б.Учаров, Д.А.Обиджанов, О.Т.Эшматов, М.З.Тоиров, касалликлари бўйича эса Д.А.Титов, Л.П.Титова, Н.А.Скляров, К.В.Попкова, М.И.Болдырев, В.М.Смольякова, Т.М.Пронико, В.А.Гудковский, Н.Я.Каширскаялар тадқиқотлар олиб борганлар. Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали ишлар олиб борилиб, Л.Мухамедов, И.Т.Исамитдинов, А.Х.Ҳақимовнинг ҳиссалари каттадир. Ун-шудринг ва калмаз касаллигини қўзғатувчиларини ўрганишда А.И.Марупов, А.А.Рахматов, Ф.М.Бойжигитовлар тадқиқотлар олиб боришган.

Бирок мамлакатимиз ҳудудларидаги мевали боғ зараркунанда ва касалликлар зарари юқори бўлишига қарамадан уларга қарши курашда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, прогнозлаш ва математик моделларни ишлаб чиқишда зарарли организмлар миқдорини бошқариш усуллари бўйича старли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагиларни инobatга олиб, олма боғларида зараркунанда ва касалликларга қарши интеллектуал кураш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали ва Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг ҚХА 10-090 «Ўсимликларни химоя қилишда ахборот

технологиялари тизимини яратиш, таххислаш, прогнозлаштириш, режалаштириш; бошқариш» (2009-2011 й.й.), ҚХА-09-106-2015 «Кишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг фитосанитар ҳолатини назорат қилиш ва баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 й.й.) амалий лойихалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг иқлим шароитида олма боғларида олма мевахўри, олманинг ун-шудринг ва калмараз касалликларига қарши интеллектуал кураш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

олманинг олма мевахўри ҳамда ун-шудринг ва калмараз касалликлари биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши илмий асосланган самарали кураш чораларини аниқлаш;

олманинг асосий зараркунанда ва касалликлари ривожланишининг мониторингини олиб бориш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

олма мевахўри, ун-шудринг ва калмараз касаллигига қарши курашнинг самарали ҳимоя усулларини аниқлаш;

олманинг асосий зараркунандаси олма мевахўри ва касалликларидан ун-шудринг, калмаразнинг ривожланиши ва тарқалишини автоматлаштирилган прогнозлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

олманинг асосий зараркунанда ва касалликларига қарши интеллектуал ҳимоя восита ва усулларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олма боғларида олма мевахўри, ун-шудринг, калмараз касалликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети математик моделлаштириш, замонавий ахборот технологияларини кишлоқ хўжалигида, жумладан олма боғларидаги зараркунанда ва касалликларига қарши курашишни ишлаб чиқаришда қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар ўсимликларни ҳимоя қилишда қабул қилинган услублар ёрдамида олиб борилди. Бунда В.В.Яхонтов фенокалендар тузиш усуллари ҳамда бир қатор олимлар Г.Я. Бей-Биенко, Г.Я.Бондаренко, Н.В.Глушенко услублари ёрдамида бажарилди. Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг тарқалиши М.К.Хохряков, А.Я.Семёнова, Л.П.Абрамова усуллари ёрдамида олиб борилди. Ўсимлик намуналаридан замбуруғларни ажратиб олиш ва препаратларни мақбул меъёрларида қўллаш М.К.Хохряков ва бошқалар усулида, пестицидларни синаш А.Г.Махоткин, В.А.Павлюшин ҳамда пестицидларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмасидан фойдаланилди. Биологик самарадорликни аниқлашда Abbot формуласидан, олинган натижаларнинг дисперсион тахлили Б.А.Доспехов кўрсатган услубдан фойдаланиб амалга оширилди. Олма зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий курашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда А.Ф.Ченкин усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, олманинг асосий зараркунандаси олма мевахўри ва касалликлари ун-шудринг, калмаразнинг биоэкологик хусусиятлари асосида мониторинг ўтказиш йўллари ва усуллари аниқланган;

олма мевахўри ривожланиш фазаларини фойдали ҳароратлар йиғиндисига боғлаган ҳолда аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

олма мевахўрининг ривожланиш муддатлари асосида улар ривожланишининг фенологик календарлари тузилиб, об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тарқалиши ва зарар келтириш даражалари аниқланган;

мевали боғни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжини режалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилган;

феромон тутқичга тушган олма мевахўри капалаклар сонига қараб олма меваларининг зараркунанда томонидан зарарланиши, ун-шудринг касаллигини олма барглари оғирлигига ва ҳаво ҳароратини олманинг калмараз касаллигининг инкубация даври давомийлигига таъсирини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилган;

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун Android типдаги мобил телефонларида ишлайдиган, олма мевахўрининг пайдо бўлиш муддатлари, зарар келтириш даражасини аниқловчи ва уларга қарши кураш чораларини ифодаловчи интеллектуал ҳимоя тизими ҳамда ундан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

мевали боғ зарарли организмларига қарши курашда зараркунанда ва касалликлар ҳолатини назорат қилиш натижалари батафсил таҳлил қилиниб, уларга қарши кураш олиб боришда интеллектуал кураш тизими яратилган.

Мевали боғ зараркунанда ва касалликларига қарши курашда олма мевахўри ривожланиш муддатларини аниқлаш усулларида фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги ва ҳисоботларнинг таҳлил қилинганлиги; экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; фермер хўжалиги ходимлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари учун ишлаб чиқилган олма мевахўрининг пайдо бўлиш муддатлари, зарар келтириш даражасини аниқловчи дастурни жорий қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида (№ DGU 05150) рўйхатдан ўтказилганлиги; тадқиқот натижалари Республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан

исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мевали боғларда олманинг асосий зараркунанда ва касалликлари таъсирининг мониторинги ва прогнозлаштириш интеллектуал тизимининг қўлланилиши соҳа ташкилотларининг мутахассисларига кураш усуллари ва муддатларини белгилувчи илмий асос бўлиб, у олмани ўз вақтида химоялашга ва унга ишлов бериш сонини камайштиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олманинг асосий зараркунанда ва касалликларига қарши кураш усулларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш бўйича ўтказилаётган химоя тадбирларининг юқори иқтисодий ва биологик самарадорликлари билан асосланганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мевали боғ зараркунанда ва касалликларига қарши интеллектуал кураш тизимини яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

олма мевахўри ривожланиш муддатларини аниқлаш усули – Android телефонларида ишловчи мобил дастурни 2015-2017 йилларда Андижон вилоятининг Асака туманидаги «Автосаноат Агрофирма» МЧЖ, Избоскан туманидаги «Сохибкор ДШИ», Балиқчи туманидаги «Қўркам диёр меваси» ва Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани «Агрокимёхимоя» ХАЖ туман бўлимидаги фермер хўжалигининг 100 гектар олма экилган мевали боғларда жорий этилган («Ўзгагрокимёхимоя» акционерлик жамиятининг 2018 йил 27 ноябрдаги 03-13/1856-сон маълумотномаси). Натижада мевали боғларда олма мевахўрининг ривожланиш муддатлари аниқланиб, 1 гектар майдондан 3-6 центнергача ҳосил сақлаб қолинган;

мевали боғларда олма мевахўри миқдорини бошқаришда Аваунт 15 % эм.к, Би-58 (янги), 40% эм.к, Каратэ 5% эм.к, Пиринекс 48% эм.к. самарали кимёвий воситалар қўллаш Андижон вилоятининг Асака, Избоскан ва Балиқчи туманларида 52,5 гектар боғдорчилик майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги № 02/023-301-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 85-90 % ни ташкил этиб, ҳосил зараркунандалардан сақлаб қолинган;

мевали боғларда калмараз ва ун-шудринг касалликларига қарши Скор, 25% эм.к, Топсин-М, 70% н.кук, Импакт, 25% сус к, Строби, 50% с.д.г замонавий фунгицидлар билан кураш чоралари ишлаб чиқилиб, Андижон вилояти шароитида «Донёрбек боғлари» фермер хўжалигининг 14 гектар, «Ҳикматиллоҳ сара мевалари»да 1,5 гектар, «Тўхтасинбек боғи»да 2 гектар олма боғларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги № 02/023-301-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 90% ни фоизни ташкил этиб, 1 гектар майдондан 4-7 центнергача ҳосил касалликлардан сақлаб қолинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 5 таси республика ва 1 таси импакт факторга эга бўлган хорижий журналда нашр этилган ҳамда дастурий таъминот учун гувоҳнома (№ DGU 05150) олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Олмани зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва истиқболлари (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича хорижда ва Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида адабиётлар шарҳи баён этилган. Бунда кўтарилган мавзунинг ҳозирги аҳволи, меваги боғларни зарарли организмлардан ҳимоялаш масалалари, ҳамда уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда ахборот технологияларини қўллаш имкониятлари, бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг аҳволи ва мавжуд муаммолар дастаси аниқлаб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган жойлар ва ишлатилган услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Андижон вилоятининг Асака ва Избоскан туманлари) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ҳамда иш услублари ишлаб чиқилган.

Бобда тадқиқотда ишлатилган, турли мақсадларни кўзлаган усул ва услублар келтириб ўтилган. Олма ва унинг асосий зараркунандаси олма мевахўри ҳолатини прогнозлаштириш ва назорат қилишнинг

автоматлаштирилган тизимини қўллаш усуллари ва бу усуллардан уни биологик усулда химоя қилишда фойдаланиш йўллари келтирилган.

Диссертациянинг «Олманинг асосий зараркунада ва касалликлари ривожланишининг биозкологик хусусиятлари ва мониторинги» деб номланган учинчи бобида маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг концептуал асослари, кишлоқ хўжалиги экинлари зараркунада ва касалликлари ривожланиши экологик мониторинги ва прогнозлаштиришининг йўллари ва усуллари, мониторинг тизимининг ахборот таъминоти каби масалалар ёритиб берилган.


Олма мевахўри – *Carpocapsa pomonella* L. республикамиз боғларида кенг тарқалган. Мазкур зараркунада ҳар йили машаққатли меҳнат ва каттагина маблағ эвазига етиштирилаётган ҳосилнинг салмоқли қисми нобуд бўлишига ва сифатининг бузилишига олиб келади. Олма мевахўри урғочи капалаклари силлик ёруғ жойга битталан тухум қўяди. Мева тугишнинг дастлабки даврларида мева тугунчалари тукланган бўлганлиги учун урғочи капалаклар барг юзасига тухум қўяди. Кейинчалик мевалар ёнғокдан каттароқ ҳолга келгач, тухумларнинг бир қисми мевалар юзасига қўйила бошланади. Олма мевахўрининг, капалаклари олатда меваларга тухум қўйишга ҳаракат қилишсада, барибир барг япроқлари кўпроқ бўлганлиги учун меваларни териб олгунга қадар тухумлар кўпроқ баргларда учрайди. Баъзи ҳолларда ёш новда ва шохларнинг пўстлоғига ҳам тухум қўйишлари мумкин. Бизнинг кузатувларимизда аниқланишича, август-сентябр ойларига келиб, урғочи олма мевахўри етилган меваларнинг мева банди ўйиғига тухум қўйишлари кузатилди.

Олма мевахўри тухумдан чикқач, бир неча соат мобайнида барглардан меваларга ўтади, бу пайтда олма мевахўри, ҳатто икки кунгача баргларда қолиб кетиши мумкин. Меваларга қўйилган тухумлардан чикқан куртлар ҳеч қачон дарҳол, бевосита меваларни ўйиб кириб кетмайди, улар аввалига мева бўйлаб шошилмай бир неча дақиқадан 1-15 соатгача ўрмалаб юришади. Куртлар мева бўйлаб «саёҳати» давомида мева пўстининг шикастланган жойини топиб, ўша ердан барглар танасига мева этини ўйиб, уруғ камераси томон кириб боради. Олма мевахўри шикастланмаган мевалар юзаси бўйлаб 1-2 марта айланиб чикқач, соғлом, бутун мевалар юзасини кемириб, кириш йўлини очади.

Олма мевахўри мева этига кириб олгач, дастлабки икки-уч кун мева пўсти остида мева эти ва уни шираси билан озикланиб яшайди. Буни мевани ўша қурт шикастлаган жойидан қўндаланг кесганда кўриш мумкин. Шу ерда бироз дам олиб, нафас ростлаб, сўнгра яна уруғ камераси томон лаҳм-тоннел казишни давом этади. Куртлар ҳаётининг 5-6-кунини яна иккинчи бор дам олишади, нафас ростлашади сўнг уруғни кемиришни бошлайди.

Кузатишларимизда 4 йил мобайнида капалакларнинг феромон тугкичларга тушган сони билан ҳосил исрофи ёки йўқотилган ҳосил тўқилган ёш мевалар қўшиб ҳисобланганда орасидаги боғлиқлик капалаклар учиши интенсивлиги юқорирок бўлишига қарамасдан ҳосил исрофи ёки йўқотилган

ҳосил даражаси пастроқ бўлганлиги кузатилди (1-расм). Бунинг ўрнига май ойидан август ойи орасида бўлган вақт орасида ўртача кунлик ҳаво ҳарорати билан ҳосил исрофи ёки ҳосил йўқотилиши орасидаги боғлиқлик яққол намоён бўлиши аниқланди (2-расм).



1-расм. Феромон тутқичга тушган капалаклар сони билан меваларнинг зарарланиши орасидаги боғлиқлик.



2-расм. Олма мевахури зарарлашининг ҳароратга боғлиқлиги.

Ун-шудринг *Podosphaera leucotricha* касаллиги олманинг ёш барглар, новдалар, туп-гуллар ва меваларда кузатилади. Олмада ун-шудринг эрта баҳорда куртақлар ёзилаётганда ва биринчи барглар ҳосил бўла бошлаганда пайдо бўлади. Новдалар ва баргларда зарарланиш белгилари деярли бир пайтда юзага келади. Тупгуллар тўғизоқ ғубор билан қопланади, кучли

деформацияга учрайди, мева ҳосил қилмай қуриydi, уларнинг бир қисми тўкилиб кетади. Новдаларда гўбор дастлаб оқ, кейинчалик қулранг, тўқ тусга кириб борувчи, қора клейстотетийли бўлади.

Баргларда (аксарият қисми остки томонида) ва барг бандида вақт ўтган сайин қизғиш тусда ифодаланувчи қулранг-оқ гўбор ҳосил бўлади. Зарарланган барглар яхши ривожланмайди ва кўпинча марказий томирга қараб қайиксимон буралади. Меваларда ун-шудринг оқ гўбор кўринишида ривожланишнинг дастлабки даврларидаёқ пайдо бўлади. Бирок бу гўбор тезда йўқолиб кетади ва унинг юзасида механик шикастланишда юзага келадиган пўкаксимон тўқимани эслатувчи қизғиш тўр қолдиради. Қасаллик кўзгатувчиси – *Erysipales* тартибига мансуб *Podospaera leucotricha* халтали замбуруғи. Олмадан ташқари нокни (аммо камроқ ва қичик ўлчамларда) ҳам зарарлайди.

Қалмазар – *Venturia inaequalis* (Cre) Wint олмада кенг тарқалган қасаллик бўлиб, унинг қимматли белгиларини пасайтиради. Агар олмада қасалликка қарши химоя усуллари қўлланилмаса, кейинги йил ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Қасалликни *Venturia inaequalis* аскомицет (пиреномицет) замбуруғи кўзгатади. Ерга тўқилган барглар ва меваларда замбуруғнинг псевдотетийлари строма ичида ривожланади. Биринчи цикли – халтачали диплоид даври ҳисобланади. Иккинчи цикли – конидиал споралаш ҳисобланади. Конидиал споралаш органлари барг ва меваларини аскоспоралари ёрдамида зарарлайди.

Қалмазар билан курашишнинг асосий ўчоғи бўлиб, тиним давридан, гуллаш ва гуллашдан кейинги давр ҳисобланади. Бизнинг тажрибаларда бу давр 5-6 ҳафтани ташқил этади (март ойининг ўрталаридан май ойининг ўрталаригача). Аскоспоралар бир ой муддатда қурғоқчиликка чидамли бўлади ва қасалликни саклаш хусусиятига эга бўлади. Қисқа муддатли ёмғирлар, шудринг ўсишни тезлаштиради, қуруқ ҳаво эса уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Ҳавонинг нисбий намлиги ортганда аскоспоралар ўсиб, найчаларни ҳосил қилади ва баргнинг кутикуласидан халтачани ҳосил қилиб, 7-20 кун давомида конидияларни ҳосил қилади. Конидияларнинг ҳосил бўлиши билан 2 давр-ёзги ривожланиш амалга ошади, бу давр ҳосилни йиғиб олишгача давом этади. Қалмазарнинг биринчи доғлари гуллаш давригача, яъни май ойининг бошидан ўртасигача давом этади. 30 мкм ўлчамдаги ноксимон конидиялар шамол ёрдамида ёш барглар ва қўшни дарахтларга тарқалади. Қулай шароитда улар ўсиб, тўқима ичига кириб олади.

Тажрибаларда олманинг ва олма мевахурининг ривожланиш фазаларидаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси (ФҲЙ) Ўзбекистон гидрометеорология маркази – «Ўзгидромет» нинг қундалик ўртача ҳаво ҳароратлари ҳақидаги маълумотлари асосида ҳисоблаб борилди.

Олма дарахти ривожланиши бошланган кундан бошлаб ҳар 7 кунда фенологик кузатишлар олиб борилди. Тадқиқотлардаги барча фенологик кузатув ишлари Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш ИТИ

мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида олиб борилди. Тажрибалар 3 та вариант 4 та қайтарилишда ўтказилди. Шундай қилиб, бу маълумотларидан фойдаланган ҳолда мазкур йилнинг об-ҳаво кўрсаткичлари асосида олма ва унинг асосий зараркунандалари пайдо бўлиш муддатлари аниқланиб, фойдаланувчиларга етказиб турилади. Бу маълумотлар асосида эса биологик кураш муддатлари аниқланади ва ҳимоя ишлари ташкил қилинади. Олма мевахўри пайдо бўлиши ва зарар келтириши муддатларини аввалдан билиш муҳим аҳамиятга эга, чунки уларга қарши биологик курашни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосини ушбу муддатлар ташкил қилади. Масалан, олма мевахўри капалакларини учиши ва тухум қўйиш муддатларини аниқ билиш биологик лабораторияларда етиштирилган фойдали ҳашаротларни (трихограмма, олтинкўз) шу муддатларга тайёрлаб туриш, бошқача айтганда, лабораториялар ишини режалаштириш имконини беради. Худди шунингдек, олма мевахўрининг катта ёшдаги қуртларига қарши бракон тарқатиш муддатлари аниқланади.

Булардан ташқари, олманинг ривожланиши бошланган кундан бошлаб, унинг ҳосили етилгунгача бўлган даврдаги ҳолатини назорат қилиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу муддатларни назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ФХЙ га қараб ушбу муддатларни аввалдан билиб туриш имконини берувчи компьютер дастури ва Android типидagi мобил телефонлар учун илова ишлаб чиқилди ҳамда «Республика интеллектуал мулк агентлиги» нинг гувоҳномаси олинди.

Булардан ташқари, олмада асосий зараркунанда ва касалликларнинг ривожланиш прогнозларини ифодаловчи математик моделларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш мевачиликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ишда профессор Ҳ.Қ.Яхъяев томонидан ишлаб чиқилган математик моделларидан фойдаланилди. Натижада феромон тутқичга тушган олма қурти капалаклари сонига қараб олма меваларини зараркунанда томонидан зарарланишининг боғлиқлиги (Y_1), олма қуртининг меваларни зарарлашини ўртача кунлик ҳароратга (Y_2), ун-шудринг касаллигини олма барглари оғирлигига (Y_3) ва ҳаво ҳароратини олманинг калмаз касаллигининг инкубация даври давомийлигига (Y_4) таъсирини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнларни ифодаловчи математик моделларнинг кўриниши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Олманинг зараркунанда ва касалликларини ифодаловчи математик моделлар.

Т.р.	Математик моделларнинг кўриниши	Корреляция коэффиценти	Ўрта четланиш
1.	$Y_1 = -12,2 + 4,45x_1$	$r = 0,81$	0,36
2.	$Y_2 = -593,9 + 30,51x_2$	$r = 0,79$	0,41
3.	$Y_3 = 6,8 - 1,01x_3$	$r = 0,71$	0,77
4.	$Y_4 = 20,5 - 0,76x_4$	$r = 0,73$	0,94

**Олма қуртига қарши курашда қўлланилган инсектицидларнинг
биологик самарадорлиги**

Вариантлар (препаратлар номи)	Сарф меъёри, кг/га, л/га	Ўнта дарахтдаги ўртача қуртлар сони				Биологик самарадорлик, кунлар бўйича, %		
		ишлов дан олдин	ишловдан кейинги кунлар бўйича			3	7	14
			3	7	14			
Назорат (ишловсиз)	-	49	53	55	57	-	-	-
Перфекто 17,5 % сус.к	0,3	54	16	14	12	70,3	74,0	77,8
Айқидо 5 % эм.к	0,4-0,8	56	18	15	11	68,0	73,2	80,3
Пиринекс 48% эм.к	1,5-2,0	55	10	7	5	81,8	87,2	91,0

Диссертация ишининг «Олманинг асосий зараркунанда ва касалликларига қарши кураш воситаларининг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида олма мевахўри тухумлари ва 1- ва 2- ёшдаги қуртларига қарши олтинкўз энтомофагининг 2 кунлик тухумини ҳаво ҳарорати ўртача 25-26°C бўлганда тарқатиш орқали тажрибалар қўйилиб, олтинкўз энтомафаги 1:10 нисбатда қўлланилганда ҳисобнинг 3-кунда назорат вариантыга нисбатан 53,5%, 6-10-кунда 67,7-75,0% биологик самарадорликка эришилди. Энтомофагни 1:15 нисбатида қўлланилганда ҳисобнинг 3-кунда самарадорлик 51,7% ни, ҳамда 6-10 кунларда 63,6-68,5% ташкил қилди. Олтинкўзни 1:20 нисбатда қўлланилган вариантларда ҳисобнинг 3-кунда назорат вариантыга нисбатан биологик самарадорлик 53,3% ни, ҳамда 6-10 кунларда 58,0-65,6% ни ташкил этди.

Олманинг ун-шудринг ва калмараз касалликларига қарши курашда қўлланилган фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 3 ва 4 жадвалларда келтирилган. Олма мевахўри, ун-шудринг ва калмараз касалликларига қарши инсектицид ва фунгицидларнинг иқтисодий самарадорликлари аниқланди. Олма қурти зараркунандасига қарши қўлланилган инсектицидлардан энг юқори самарадорликни Пиринекс, 48% эм.к. берди. Бунда олмадан олинган соф фойда 21289600 сўмни, рентабеллик эса 442,1% ни ташкил қилди. Олманинг ун-шудринг ва калмараз касалликларига қарши қўлланилган фунгицидлардан юқори самарадорликни Скор (25% э.к.) ва Строби (50% с.д.г.) фунгицидлари берди. Бунда олмадан олинган соф фойда 22249600 сўмни, рентабеллик эса 447,6% ни ташкил қилди.

Олманинг ун-шудринг касаллигига қарши курашда фунгицидларнинг самарадорлиги (2015-2017 й.й.)

№	Препаратлар	Сарф-меъёри кг/га, л/га	Касаллик тарқалиши, %	Касаллик ривожини, %	Биологик самарадорлик, %
1.	Назорат - (кимёвий ишлов берилмаган)	-	26	10,0	-
2.	Фунметирам, 70% с.д.г (андоза)	2,0	11,5	4,0	60,5
3.	Топсин – М, 70 % н.кук.	1,0	12,5	3,5	65,2
		2,0	6,0	1,4	85,5
4.	Скор, 25 % эм.к.	0,1	10,5	2,3	77,0
		0,2	4,5	0,85	91,3
	ЭКФ ₀₅				3,2

Фунгицидларнинг олманинг калмараз касаллигига қарши биологик самарадорлиги (Андижон вилояти, Избоскан тумани, 2016-2017 й.й.)

№	Препаратлар	Сарф-меъёри кг/га, л/га	Касаллик тарқалиши, %	Касаллик ривожини, %	Биологик самарадорлик %
1.	Назорат - (ишловсиз)	-	46,0	8,2	-
2.	Фундазол, 50 % н.кук.(андоза)	1,0	15,5	2,7	68,0
3.	Топсин – М, 70 % н.кук.	1,0	24,5	4,5	44,5
		2,0	4,5	1,2	85,0
4.	Импакт, 25 % сус.к.	0,1	14,0	1,8	80,0
		0,2	9,5	1,3	84,1
5.	Строби, 50 % с.д.г.	0,2	20,5	3,4	59,2
		0,3	6,0	0,85	90,0

Диссертациянинг «Мевали боғларни зарарли организмлардан химоя қилишда интеллектуал воситаларни яратишнинг илмий-услубий асослари» деб номланган бешинчи бобида олма мевахўрининг феромон туткичига тушган капалақлар сонига қараб, зараркунанда томонидан

зарарланишининг, олма мевахўрининг меваларни зарарлашининг ўртача кунлик ҳароратга боғлиқлиги, ун-шудринг касаллигини олма барглари оғирлигига ва ҳаво ҳароратини олманинг калмараз касаллигининг инкубация даври давомийлигига таъсирини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар мевали боғ зарarli организмлари ривожланишининг прогнозларини ишлаб чиқиш ва уларни зарарланганлик даражаларини аниқлаш имкони яратилди. Буларнинг барчаси мевали боғларни зарarli организмлардан химоя қилишда интеллектуал химоя воситаларини яратишнинг илмий-услубий асосларини ташкил қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Олма ва унинг асосий зараркунандаси (олма мевахўри) ва касалликлари (ун-шудринг, калмараз) ривожланиши ва тарқалишининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқишда керак бўладиган маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг концептуал асослари ишлаб чиқилиб, улар ривожланишининг экологик мониторинги, прогнозлаштириш йўллари ҳамда усуллари такомиллаштирилди.

2. Аграр соҳада ахборот технологияларидан фойдаланиш кишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, мевали боғлар ҳосилдорлигини оширишга, уларни етиштириш харажатларини камайтириш, зараркунанда ва касалликлар келтирадиган зарар миқдорини камайтиришга имкон яратиши мумкинлиги асослаб берилди.

3. Олманинг асосий зараркунанда ва касалликлари ривожланишининг биоэкологик хусусиятлари ўрганилиб, улар устидан мониторинг ўтказиш йўллари ва усуллари белгиланди.

4. Феромон туткичга тушган олма мевахўри капалаклари сонига қараб олма меваларини зараркунанда томонидан зарарланишининг, олма мевахўрининг меваларни зарарлашининг ўртача кунлик ҳароратга боғлиқлиги, ун-шудринг касаллигининг олма барглари оғирлигига ва ҳаво ҳароратининг олманинг калмараз касаллигининг инкубация даври давомийлигига таъсирини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилди ва апробациядан ўтказилди.

5. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, шу жумладан, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш соҳаси ҳам, иқтисодий қонунларга бўйсунуши, ушбу масалаларни ҳал қилишда иқтисодиёт фани нафақат соҳанинг умумий иқтисодий қонунларини, балки унинг ўзига хос хусусиятлари, қонунларини ва амалиёт билан боғлиқ томонларини ҳисобга олиш лозимлиги асослаб берилди.

6. Олма навларида ун-шудринг касаллиги билан барглари 26,0% зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши мос равишда 10,0% ташкил этди. Тажриба вариантда қўлланилган препаратлардан Скор 25% эм.к. (0,2 л/га), фунгициди ун-шудринг касаллигига қарши энг юқори биологик самара кўрсатди. Касалланиш баргларда 4,5% ни ташкил этди. Касалликнинг ривожланиши мос равишда 0,85% ни ташкил қилган бўлса, биологик

Исх. № 9-14260

самарадорлик 91,3% ни ташкил этди.

7. Олмада олма мевахўрига қарши қўлланилган энтомофаг (олтинкўз) ва инсектицидларнинг энг юқори самарадорликни олтинкўз энтомофагини 1:10 нисбатда ва Пиринекс инсектицидини қўллаганда юқори самарадорликка эришилди. Бунда олмадан олинган соф фойда мос равишда 21289600 ва 25719600 сўмни, рентабеллик эса 450,0 ва 517,4% ни ташкил қилди.

8. Олманинг ун-шудринг ва калмараз касалликларига қарши қўлланилган фунгицидлардан энг юқори самарадорликни Скор ва Строби фунгицидлари берди. Бунда олмадан олинган соф фойда мос равишда 22248600 ва 20789600 сўмни, рентабеллик эса 447,6 ва 442,1% ни ташкил қилди.

9. Олманинг асосий зарарли организмлари мониторинги ва прогнозлаштиришнинг йўллари ва усуллари аниқланиб, уларнинг ривожланиш муддатларини назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилди ва ФХЙ га қараб ушбу муддатларни аввалдан билиб туриш имконини берувчи компьютер дастури ва Android типигаги мобил телефонлар учун илова ишлаб чиқилди ва «Республика интеллектуал мулк агентлиги» нинг гувоҳномаси олинди.

10. Ишлаб чиқилган моделлардан мевали боғлар зарарли организмлари ривожланишининг прогноزلарини ишлаб чиқиш ва келгусида боғларда меваларнинг тасвирларига ишлов бериш натижасида уларнинг зарарланганлик даражаларини аниқлаш имкони яратилди. Буларнинг барчаси мевали боғларни зарарли организмлардан химоя қилишда интеллектуал химоя воситаларни ярагишнинг илмий-услубий асосларини ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017. Qx13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

РАХИМОВ МАНСУРБЕК МАВЛОНЖОНОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ БОРЬБЫ С
НЕКОТОРЫМИ ВРЕДИТЕЛЯМИ И БОЛЕЗНЯМИ ПЛОДОВЫХ
САДОВ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Qx171.

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Топволдиев Тулкинжон доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махмудходжаев Нажмидин Мавляноходжаевич доктор биологических наук, профессор Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится « 6 » июль 2019 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 538162). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел. (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан « 18 » июнь 2019 года (реестр протокола рассылки номер 1 от « 28 » июль 2019 года).



Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адиялов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Плодоводство является ведущей отраслью сельского хозяйства во многих странах мира. Каждый год в мире яблони выращиваются на площади свыше 5 миллионов гектаров. В 2017 году объем выращивания в составил 76 миллионов тонн. В 2017-2018 годах валовой объем выращивания яблок сократился на 2,6 миллиона тонн. В частности, сокращение урожая из-за влияния вредных организмов в Германии составило 46%, в Италии 23%, во Франции 8% от всей продукции яблок¹. В этой связи, важной проблемой при защите выращиваемого урожая от вредителей и заболеваний является применение современных информационных технологий.

Увеличение численности населения в мире приводит к появлению ряда проблем в дальнейшем повышении объема плодовой продукции и стабильном обеспечении населения качественными продуктами, увеличении урожайности культур, снижении наносимого заболеваниями и вредителями вреда. В среднем 20-40% выращиваемой плодовой продукции теряется за счёт повреждения вредителями и болезнями, что требует совершенствования системы борьбы против этих вредных организмов². В связи с этим, при борьбе с ними большое значение имеет применение современных информационных технологий, быстрый сбор соответствующей информации в требуемом количестве, а для этого необходима автоматизация процессов сбора этой информации, её обработки, а также принятие на основе этого надлежащих решений и доставка их пользователям. Разработка информационной системы по сбору, хранению информации и её обработке, определение сведений, влияющих на развитие и распространение вредителей и болезней имеет очень большое научно-практическое значение.

В разделе 3.3 «Модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства» Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены приоритетные задачи «...по развитию интенсивного садоводства посредством посадки высокоурожайных, скороспелых, а также обладающих сладким вкусом карликовых и полу карликовых деревьев на основе современных технологий, и повышение объёма производимой экспорт ориентированной плодовой продукции, востребованной на мировом рынке...»³. Исходя из этих задач, требуется использование современных информационных технологий при защите фруктовых садов от вредителей и болезней, применение автоматизированной системы прогноза и их контроля, широкое внедрение в практику сельскохозяйственного производства. В стране каждый год создаётся дополнительно 8-10% новых интенсивных садов, большую часть из которых составляют яблоневые сады.

¹ <http://www.agbz>.

² www.fao.org, 2016.

³ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

